



ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДАГИ АҲАМИЯТИ

Турокулова Раъно Иброгимовна

Ўзбекистон Давлат Жаҳон

Тиллари Университети

Ижтимоий фанлар кафедраси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5651393>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20-oktabr 2021

Ma'qullandi: 25-oktabr 2021

Chop etildi: 30-oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

тасаввуф, тариқат,
глобаллашув, сўфийлар,
руқун, зоҳидлар,
толерантлик, руҳ,
аморализм, ахлоқ, руҳий
қувват.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада глобаллашув жараёнида “оммавий маданият”нинг авж олаётган бир пайтда кишиларда тарбия жараёнида аморализмик ҳолатларни олдини олишда фалсафий, диний, миллий қадриятларимиздан оқилолан фойдаланиш давр талабидир. Ҳозирги даврда ахлоқий ва маънавий қадриятларнинг сақланиб қолинишида тасаввуфий ва фалсафий таълимотларнинг ўрни ҳақида фикр юритилган. Тасаввуф ҳамда Нақшбандия тариқати ғояларини фалсафий таҳлил қилишга бағишланган.

Тобора глобаллашиб бораётган XXI аср-ахборот-технологиялари даврида, жамиятнинг тараққиёт даражаси ўсмоқда. Лекин шу виртуаллашган жамиятда инсон, унинг онги, ахлоқий ва маънавий қадриятлари ўз аҳамиятини йўқотаётганини гувоҳи бўлмоқдамиз. Четдан қараганда арзимасдек туюлган, аммо аллақачон инсоният маънавий оламининг глобал муамосига айланиб улгурган, жамиятнинг маънавий ва маърифий илдизларига болта уришга тайёр турган муаомини ҳал қилиш олдимизда турган долзарб масаладир. Ушбу муамоларни ҳал қилиш юзасидан тасаввуфнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Тасаввуф илмини ўрганаётган ҳар қандай татқиқотчи бу илм Аллоҳни билиш, қалб гўзаллиги, онг ва ақл теранлиги, жисм ва руҳнинг баркамоллигини таъминловчи, борлиқнинг моҳиятини очиб берувчи таълимот эканлигига шубҳа қилмайди. Шу билан бирга таълимотнинг ҳали очилмаган қирраларини ўзида кашф қилади.

Тасаввуф Шарқ ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида муҳим ўрин эгаллаган ва тадрижий тараққиёт босқичига эга бўлган, ислом дунёсида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган таълимотдир. Дастлаб зоҳидлик ҳаракати кўринишида пайдо бўлди. Чунончи, Увайс Қараний, Хасан Басрий



каби йирик сўфийлар аслида зоҳид эдилар.

Тасаввуф ғояларининг сарчашмалари ҳисобланган сўфийлар ҳақида сўз юритганда, биринчи сўфийлар ким эди деган саволга ҳам турлича жавоблар мавжуд. Хусаин Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” асарида келтирилишича, биринчи сўфий киши Одам алайҳисаломнинг ўғли Шиш деган киши бўлган. У оқ пўстин кийиб юргани учун ҳам шу номни олганди. Шу тоифага ўзини мансуб деб билганларни сўфийлар деб аташган. Алишер Навоийнинг “Насоим ул-мухаббат мин шамоил ул-футувват” асарида биринчи сўфий сифатида Ҳазрати Пайғамбаримизнинг замондоши ва муҳиби Увайс Қараний тилга олинади. Лекин Абдурахмон Жомийнинг “Нафоҳат ул-унс мин Ҳазарот ул-қудс” асарида биринчи марта эл орасида сўфий лақаби билан шуҳрат қозонган киши Абдуҳошим Куфий эканлиги айтилган.[1.17]

Ислом бу–инсоннинг қалби ва руҳига поклик бахш этувчи, унинг хаёт йўлини нур мисол ёритувчи диндир. Бизнинг фикримизча тасаввуф - нурни севувчи ва уни бор гўзалиги билан қабул қилишни истовчилар учун асосий воситадир.

Шу ўринда айтишимиз керакки, тасаввуф худога қўшилиш ёки худо билан бирлашиш тўғрисидаги таълимот эмас, балки худони билиш ва унга етишиш ҳақидаги таълимотдир.

Кошифий тасаввуфнинг рукнлари ҳақида қизиқарли

маълумотлар беради. Бу ҳақида ўз асарида шундай ёзади: “Агар тасаввуф рукнлари (устунлари) нечта деб сўрасалар, ўнта деб айт. Биринчи – илм, иккинчи – ҳилм, учинчи – тақво, тўртинчи – сеҳр, бешинчи – шукур, олтинчи – сидқ, еттинчи – вафо, саккизинчи – ризо, тўққизинчи – сафо, ўнинчи – ишқ” [2:30]

Муҳаммад Солиҳ ҳам ўзининг “Нақшбандия тариқати” китобида Тасаввуфни–қалб ва нафсни яхши ва ёмон ҳолларини билиб, ёмон ҳоллардан тозаланиб, яхши ҳолларда безанаркан Аллоҳ таолога яқин бўлмоқликдир деб ёзади.[3]

IX аср бошларига келиб тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Тариқат–Маърифат–Ҳақиқат деган тушунчалар пайдо бўлди ва тасаввуф алоҳида илм сифатида қарор топди.

“Тариқат” сўзининг маъноси йўл демакдир, яъни илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган кишининг руҳий ва ахлоқий камолот йўли. Мовроуннаҳр минтақасида турли даврларда тариқатлар вужудга келди. Хусусан Яссавия, Кубровия ва Нақшбандия тариқатлари шулар жумласидан.

Бу тариқатларда Аллоҳни билиш, ўзликни англаш ва руҳ поклиги тўғрисидаги қарашлар ҳам турличадир. Масалан: Аҳмад Яссавий яратган Яссавия тариқатида “ўлмаи туриб ўлиш”, бу дунёга боғлаб турган ўткинчи хою-хаваслардан ва умуман борлиқдан воз кечиб “фанно филлоҳ” мақомига етиш, тарки дунё қилиб доимо тоат ибодат билан яшаш тарғиб этилса, биз ўрганиб



чиқмоқчи бўлганимиз Нақшбандия тариқатида эса мутлақо бошқа карашлар жамланганини кўрамиз.

Нақшбандия тариқати асосчиси Хожа Боҳоуддин Нақшбанд 1318-йилда Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғидан туғилган. У яратган Нақшбандия тариқати халқ орасида жуда кенг тарқалди. Бунинг боиси оддий аҳолининг турмушини енгил қиладиган даражада соддалиги, тарки дунёчиликни бутунлай рад этиб, ҳалол меҳнат қилишни тарғиб қилганлигидадир. Ушбу тариқатда тоат ибодат куйидагича тушунтирилади. Нақшбанд фикрича “Ал-ибодату ашарату ажзаин (ибодат ўн қисмдан иборат) мисъатун минжа талабул- ҳалоли (ибодатнинг ўндан тўққиз қисми ҳалол касб талабларига амал қилишдир) ва жузун вахидун минхаъ саъирул-ибодати (ва шундан ўндан бир қисмигина бошқа ибодатлардир-рўза, намоз ва бошқалар). Бу исломдаги сўнгги пайғамбар замонидан буён ўртага ташланган юксак инсоний таълимот эди.[4:9]

Нақшбандия тариқати камтарликни, ғам келганда енга олиш ва руҳий қувват, ўзига хос толератлик каби ғояларни ўзида мужассамлаштиради.

Нақшбандия тариқатида илгари сурилган мавзу ва ғоялар шу давр учун қанчалик муҳим аҳамият касб этган бўлса, ҳозирги замон учун ҳам ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотгани эмас. Нақшбандийнинг “дил ба ёру, даст ба кор” (қўлинг меҳнатда, кўнглинг Аллоҳда бўлсин)деган хикмати тариқатнинг дастуриламал шиори бўлиб ҳизмат қилган. Юқоридаги шиор

таркидунёчиликка қарши қаратилган эди. Тариқат ҳалол меҳнат қилишга чақиради, тиланчилик ва дарбадарлик сўфий учун иснод деб билади. Тариқат гуманистик ғояларни ўзида акс этирар экан, инсонларни қадри уннинг мартабаси билан эмас, балки маънавий комиллиги билан ўлчашга дават этган.

Ижтимоий, маънавий ва фалсафий муаммоларни рефлексияли ёндашув воситаси билан таҳлил этиш, кишилар онгига сингиб кетган ақидапарастлик хислатларни очиб бериш имкониятини беради. Демак, маънавий меросимиз ва ислом динининг фалсафий моҳиятини тўғри англаб етишда танқидий рефлексия ҳамда илмий тафаккур тарзининг роли каттадир [5.140].

Ривожланиб бораётган фуқролик жамиятини турли ҳил оқимлар ва оммавий маданият илатларидан ҳалос этишда тасаввуфнинг гуманистик ҳамда толерантлик ғояларини, маънавий ахлоқ тўғрисидаги қарашларни ёшлар онгига сингдириш самаралидир.

Хулоса.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйдаги хулосаларга келамиз:

Биринчидан: Демак, комил инсонни тарбиялашда, хусусан, ҳалоллик, поклик, мадрлик, каматарлик, сабр-тоқатлилик каби фазилатларни шакллантиришда тасаввуфнинг ахлоқий ғоялари муҳим аҳамиятга эгадир.

Иккинчидан, ҳозирги даврда кишилар ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқолиши, ўз-ўзидан бегоналашуви, худбинликнинг кучайишига қарши



тасаввуфдаги гуманистик қарашлар маънавий озиқа ҳисобланади.

Учинчидан, айниқса ҳозирги замонда кишиларнинг бойлик, молу-давлатга ружу қўйиши, дунё лаззатларига

муккасидан кетиш, лоқайдлик, бировнинг ҳисобидан кун кўриш, ношукурлик иллатларига қарши курашда тасаввуфнинг ғоялари жуда долзабрдир.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Комилов Н Тасаввуф-Т.: “Мовроуннаҳр”, 2009.-Б. 447.
2. Ҳусаин Воиз Кошифий Футувватномаи султоний.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси,-2011.-Б. 376.
3. Муаллиф: www.islom.uz 31/08/2012 долзарб, Китоблар, М.Солиҳ, Тасаввуф /3 изоҳ.
4. Насафий (М.Махмуд таржима) Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, -Т.: “Фан”, 1993.- Б. 48.
5. Gulnoza, Sultanova. "SCIENCE IN THE HADITHSS: HISTORY AND TIMES," *Oriental studies: Tashkent*, (2019).Vol. 1 : Iss. 2 , Article 12. -P. 137-145.